

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАТОВА МАЛИКА РУСТАМОВНА

**ГЕСТАЦИОН ТРОФОБЛАСТИК КАСАЛЛИКНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ПРОГНОЗЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Маматова Малика Рустамовна

Гестацион тробластик касалликни

ташхислаш ва прогнозлашга

янгича ёндашув 3

Маматова Малика Рустамовна

Новые подходы в диагностике и

прогнозировании гестационной

тробластической болезни 23

Mamatova Malika Rustamovna

New approaches in the diagnosis

and prognosis of

gestational trophoblastic disease 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МАМАТОВА МАЛИКА РУСТАМОВНА

**ГЕСТАЦИОН ТРОФОБЛАСТИК КАСАЛЛИКНИ ТАШХИСЛАШ
ВА ПРОГНОЗЛАШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ**

14.00.14 - Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib1929 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Андижон Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Захирова Наргиза Неъматовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Жураев Миржалол Дехконович тиббиёт фанлари доктори, профессор Атаханова Нигора Эргашевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин _____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2024 йил «_____» _____ да куни тарқатилди.
(2024 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ ((PhD) фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг турли худудларида гестацион трофобластик касаллигининг (ГТК) тарқалиш даражаси кенг вариацияланган. Бу организмга салбий хавф омиллари таъсири, статистик маълумотларни рўйхатдан ўтказишдаги ва ташхислашдаги фарқлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Охирги ўн йиллик тадқиқотларига кўра, «.....Осиё мамлакатларида ГТК тарқалиши Европа ва Шимолий Америкага нисбатан анча юқори бўлган. АҚШда ГТК 1500та ҳомиладорликларга 1та частота билан учрайди, Ҳиндистоннинг айрим қисмларида бу частота 200та ҳомиладорликка 1 ни ташкил қилади. Шунингдек, Шарқий Осиёда касаллик ҳажми 5-15 баробар юқори ва 120 нафар ҳомиладорга 1 нафар ҳолатга етади.»¹. ГТК трофобластнинг куйидаги патологик ҳолатларни ўз ичига олади: елбўғоз (ЕБ) - тўлиқ ёки қисман, шунингдек хавфли шакллари: инвазив ЕБ, плацентар соха трофобластик ўсмаси, эпителиод трофобластик ўсма ва хориокарцинома. Клиник амалиётда энг кенг тарқалган трофобластик ўсма ЕБ ҳисобланади. Замоनावий таснифларда ушбу патологик жараён хавфсиз деб таснифланади. Шу билан бирга, Европа трофобластик касалликларни даволаш жамияти ва халқаро трофобластик касалликларни ўрганиш жамияти тўлиқ ва қисман ЕБни рак олди ҳолатлар сифатида таснифлашни ва уни хавфли трофобластик ўсмаларнинг 0 босқичи сифатида рўйхатдан ўтказишни таклиф қилган. Хориокарцинома (ХК) тез метастаз берувчи, трофобластик неоплазияларнинг энг агрессив шакли ҳисобланади. ХК юқори малигнизацияланиш, тез олис метастазлаш билан ифодаланади, бироқ эрта ташхис қўйиш ва прогнозлаш натижасида тўлиқ даволаниш ва репродуктив функцияни сақлаб қолиш мумкин. ГТКнинг хавфли шаклларни эрта ташхислаш ва прогнозлаш усуллари ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳон тиббиётида ГТКни тарқалиши, ташхислаш ва даволаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бироқ ГТКнинг хавфли шакллари ривожланишини ЕБ босқичида прогнозлаш ва эрта ташхислаш бўйича исботланган, замонавий диагностик усулларидан бири бўлган иммуногистокимё усулини қўллаган ҳолда ҳамда қўшимча хавф омилларини ўрганиш бўйича илмий асосланган ва амалий тадбиқ этишга қаратилган беморларни баҳолаш учун прогностик шкала ва олиб бориш алгоритм ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларни юритиш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига

¹ A Review of Current Management of Gestational Trophoblastic Disease. European Journal of Medical and Health Sciences, 2022, 4(5), 7–10. Mahendra, I. N. B. et al.

мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ГТКнинг хавфли шаклларини эрта ташхислаш ва прогнозлашга янги ёндашувларни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий адабиётларда ГТК муаммосини ўрганишга бағишланган асарларни топиш жуда қийин, чунки Ўзбекистонда охириги тадқиқот 1993 йилда амалга оширилган (У. Ҳашимов). Тадқиқотлар беморларнинг бир қисмида ЕБни хавфли шаклга ўтишининг патогенези ҳали ҳам аниқ эмаслигини кўрсатади. Кенг тарқалган гипотеза шундаки, ГТКнинг хавфли шаклларини ривожланишига сабаб бўлган патологик ўзгариш ЕБни эвакуация қилишдан аввал мавжуд бўлади. Неоплазия ЕБнинг тўлиқ бўлмаган эвакуацияси натижасида юзага келади деган тахмин мантиқий эмас, чунки ҳозирги вақтда ЕБ эвакуация қилиш ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида, ултратовуш назорати остида, вакуум-аспирациянинг замонавий усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширила бошланди, аммо ГТН билан касалланишнинг камайиши кузатилмади (Тихоновская М.Н., 2013). ГТКни вужудга келишида турли назариялар илгари сурилади. Ўтказилган тадқиқотларга кўра оналарнинг қизларига ҳомиладор бўлган вақтида овқатланиш танқислиги ва кейинчалик ушбу қизларида ГТК ривожланиши ўртасида кучли корреляцияни кўрсатган. Бунда аёл ҳомиласини биринчи хафталаарида ривожланишининг даврида витамин А ва/ёки В9 (фолатлар), бетта-каротин, хайвон ёғлари етишмаслиги ооцитлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ривожланишини бузилишига олиб келиши мумкин (Braga A., et al., 2019).

ГТКни ўрганишда иммуногистохимё усулидан фойдаланиш кўплаб тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган. Масалан, Ki67 маркерининг роли ўрганилган, аммо қарама-қарши натижаларга эришилган (Hasanzadeh M., et al., 2013, Kar A, et al., 2019). Туркия олимлари хориокарциномада VEGF, HIF-1альфа и TGFбета3 маркерларининг юқори экспрессиясини кузатишган (Volat F. et al., 2010). 2018 йилда бир гуруҳ бразилиялик тадқиқотчилар иммуногистохимё усулидан тўлиқ ва қисман ЕБни дифференциал диагностикаси учун фойдаланганлар ва p57 оқили маркер сифатида тавсия этилган (Madi J.M., et al., 2018). 2019 йилда Ҳиндистонда ГТКнинг турли шакллари дифференциал ташхислашда циклин Е ва p63 оқилларининг ролини баҳолаш бўйича ишлар олиб борилди (Kar A, et al., 2019). Хитой тадқиқотчилари ЕБ оқил профилларини ёмон сифатли трансформацияланган ЕБ профиллари билан таққослаган. Трансформацияга учраган гуруҳда 18 та ўзгарган оқсиллар топилган. Улар орасида chloride intracellular channel protein 1 (CLIC1) тадқиқот муаллифлари томонидан кейинчалик ўрганиш учун танланган бўлиб, ХКнинг тўқималаридаги экспрессия даражалари ЕБга нисбатан юқори бўлганлигини аниқлашган (Shi Z.H., et al. 2011). Лекин мазкур тадқиқот намуналар сонидан чекланган бўлиб, тадқиқотчиларнинг ўзларининг сўзларига кўра, янада ўрганишни талаб этган. Иммуногистохимёвий тадқиқот усули бугунги кунда юқори ахборотли усул бўлиб, бунинг натижасида тиббиётда, айниқса, онкология амалиётида кенг фойдаланилмоқда.

Мамлакатимизда прогноз омилларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистонда ГТК эпидемиологияси етарли даражада ўрганилмаган, расмий статистикада фақат унинг хавfli шакллари ҳисобга олинмоқда, ушбу касалликни кузатиш учун ягона марказ мавжуд эмас. Шу тариқа, ГТКни ўз вақтида ташхислаш даволашни режалаштиришни оптималлаштиришда ўта муҳим.

Эрта босқичда тўғри даволаш беморларнинг аксариятини ўз вақтида даволаш, аёлларнинг репродуктив соғлиғини сақлаб қолиш, уларнинг турмуш сифатини камайтирмаслик имконини беради. Юқорида кўрсатилганларнинг барчаси ушбу муаммонинг долзарб эканидан ишонч билан далолат беради ва ушбу патологик жараённинг хавф омиллари ва биомаркерларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва прогнозлашга бағишланган янада тадқиқотларни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий амалий мусасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гестацион трофобластик касалликни эрта ташхислаш ва прогнозлаш усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гестацион трофобластик касалликнинг тарқалиши ва структурасини

ўрганиш;

гестацион трофобластик касалликни персистенциясини эрта ташхислаш ва прогнозлашда тадқиқот усуллариининг ролини баҳолаш;

гестацион трофобластик касалликни ривожланиши хавф омилларини ўрганиш ва хавфли трансформациясини прогнозлаш мезонларини аниқлаш;

тадқиқот натижаларини ҳар томонлама баҳолаш асосида гестацион трофобластик касаллигини прогностик жадвали ва олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ретроспектив таҳлил учун 362 аёллар олинган, улардан 353 таси ЕБ, 9 таси ХК билан. Проспектив тадқиқотда 71 нафар аёллар иштирок этишган: 27 нафари ЕБ, 23 нафари инвазив ЕБ, 21 нафари ХК билан. Ривожланмаётган хомиладорлик билан 25 нафар аёллар назорат гуруҳи сифатида танланган. Барча материаллар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ва Андижон филиалларида ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали гинекология бўлимида йиғилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг касаллик тарихлари, ҳамда ГТКни хавфли шакллариини эрта ташхислаш ва прогнозлаш мақсадида иммуногистокимё усулини қўллаш учун беморларнинг қон зардобидан, ўсма тўқималаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида қуйидаги усуллариини фойдаланди: умумий клиник (шикоятларни, анамнезни ўрганиш, объектив кўрув), махсус (гинекологик кўрув), лаборатор (умумклиник, биохимик), инструментал (ультратовушли текширув (УТТ)), морфологик (гистологик, ИГК).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гестацион трофобластик касаллигининг хавфли шакллариини эрта ташхислашда патологик ўзгарган тўқималарда CLIC1 оксиленинги гиперэкспрессиясини аниқлаш учун иммуногистокимёвий текшириш усулини ташхислашдаги юқори самарадорлиги ва аҳамиятли эканлиги исботланган;

гестацион трофобластик касаллигининг хавфли трансформациясини башоратлашда метаболит ва гормонал бузилишлар, она ва ҳомила орасидаги иммунологик номуносивлик ва трофобластининг вирусли трансформацияси хасталикнинг ривожланишидаги хавф омиллари эканлиги асосланган;

гестацион трофобластик касаллигининг башоратлаш шкаласига кўра, елбўғоз беморларда 6 ва ундан ортиқ референс белгилари хасталикнинг хавфли шакллариини ривожланиш учун юқори хавф белгиси эканлиги исботланган;

гестацион трофобластик касаллиги ташхисланган беморларда дифференциациялашган ёндашув хасталикни хавфли шакллариининг ривожланиши юқори ва паст хавф гуруҳларига бўлиниш асосида олиб бориш, назорат қилиш ҳамда даволаш тактикаси такомиллаштиришга асос бўлганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

гестацион трофобластик касалликни ривожланишининг клиник хусусиятлари ва хавф омиллари аниқланган;

гестацион трофобластик касалликнинг хавфли шакллари эрта ташхислаш ва прогнозлашда CLIC1 маркерини иммуногистохимёвий тадқиқот усули ёрдамида аниқлаш самарадорлиги асосланган;

тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган алгоритм ва прогностик карта гестацион трофобластик касалликни хавфли шакллари эрта ташхислаш ва прогнозлаш учун гинекологлар ва онкологларнинг даволаш фаолиятига жорий этишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, радиологик, инструментал, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, ГТКни ташхислаш ва прогнозлашга янги ёндашувларни ишлаб чиқишда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ГТКнинг патогенези ва биологик механизмларни яхшироқ тушуниш, янги диагностика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш, янги биомаркерлар ва прогностик омилларни аниқлаш аниқроқ диагностика тестлари ва самарали терапевтик стратегияларни ишлаб чиқиш, шахсийлаштирилган тиббиётни тарғиб қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморга эрта ташхис қўйиш даволанишни эрта бошқичда бошлашга имкон беради, бу эса муваффақиятли даво имкониятларини сезиларли даражада ошириш, соғлиқни сақлаш харажатларини камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, касалликни мониторинги ва профилактикаси имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институтининг эксперт кенгашининг 2024 йил 10 майдаги №06/21-сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: иммуногистохимёвий усули патологик тўқималарда CLIC1 оқсилининг гиперэкспрессиясини аниқлаш орқали ГТКнинг персистенциясини башорат қилиш ва эрта ташхислашда юқори самарадорлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Иммуногистохимёвий усулни қўллаш, хусусан, патологик ўзгарган тўқималарда CLIC1 оқсилининг гиперэкспрессиясини аниқлашдан тизимли фойдаланиш инвазив елбўғоз ва хориокарциномани ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалида 18.01.2023 йилдаги №20/1 сонли буйруғига ва Наманган вилояти филиалида 26.01.2023 йилдаги №33/1 сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гестацион трофобластик касаллигинининг хавфли шаклларини даволашдан олдинги вақтни қисқартириш, беморлар учун асоратларни олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради; олинган маълумотлар аёллар репродуктив тизими ўсмалари, айниқса, инвазив елбўғоз ва хориокарцинома ривожланиши хавфини башоратлаш ва эрта ташхислашда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гестацион трофобластик касаллигинининг хавфли шаклларини эрта ташхислашда патологик ўзгарган тўқималарда CLIC1 оқсилнинг гиперэкспрессиясини аниқлаш учун иммуногистокимёвий текшириш усулини қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги 1та бемор учун 1 600 000 сўмни ташкил этади. Кузатувдаги 30 нафар бемор бўйича жами харажатлар 30%га камайтирилиб, 14 400 000 сўм тежаб қолинган.

Хулоса: гестацион трофобластик касаллигинининг хавфли шаклларини эрта ташхислашда патологик ўзгарган тўқималарда CLIC1 оқсилнинг гиперэкспрессиясини аниқлаш учун иммуногистокимёвий текшириш усулини қўллашни жорий этиш бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни йилига 30 та бемор учун 14 400 000 сўмни тежаш имконини беради.

Иккинчи илмий янгилик: гестацион трофобластик касаллигининг хавфли трансформациясини башоратлашда метаболик ва гормонал бузилишлар, она ва ҳомила орасидаги иммунологик номуносолиқлик ва трофобластнинг вирусли трансформацияси хасталикнинг ривожланишидаги хавф омиллари эканлиги асосланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалида 18.01.2023 йилдаги №20/1 сонли буйруғига ва Наманган вилояти филиалида 26.01.2023 йилдаги №33/1 сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касалликни эрта аниқлаш ва даволанишни бошлаш орқали беморларда стресс ва ташвиш даражасини пасайтириш натижасида психологик фаровонлигини таъминлаш; касалликнинг хавфли шаклларини самарали даволаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: гестацион трофобластик касалликнинг хавфли шаклларини прогноз қилувчи омилларини ва ушбу касалликнинг ривожланишида хавф гуруҳини аниқлаш, ўз навбатида, даволаниш ва касалхонага ётқизиш

харажатларини камайтириш ҳисобига иқтисодий харажатларни камайтиришга олиб келади ва ҳар бир бемор учун 712 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради. Кузатувдаги 30 нафар беморларда харажатларни камайтириш ҳисобига йилига 4 272 000 сўм маблағлари тежалган.

Хулоса: натижаларнинг жорий қилиниши беморларни ўз вақтида аниқлаш, профилактика ва даволашни ўз вақтида ўтказиш, бу билан аёллар касалланиши ҳамда ўлимини камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилашга эришилади. Касалликнинг хавфли шакллари ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш даволаниш ва касалхонага ётқизиш харажатларининг йилига 4 272 000 сўмга камайишига олиб келади.

Учинчи илмий янгилик: гестацион трофобластик касаллигининг башоратлаш шкаласига кўра, елбўғоз беморларда 6 ва ундан ортиқ референс белгилари хасталикнинг хавфли шакллари ривожланиш учун юқори хавф белгиси эканлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: гестацион трофобластик касаллигининг хавфли шакллари ривожланишини башоратлаш шкаласи ишлаб чиқилди ва юқори хавф кўрсаткичи аниқланди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалида 18.01.2023 йилдаги №20/1 сонли буйруғига ва Наманган вилояти филиалида 26.01.2023 йилдаги №33/1 сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: инвазив елбўғоз ва хориокарцинома ривожланиши хавфини прогноз қилувчи омилларни киритиш касалликнинг эрта даврида ташхислаш самарадорлигини оширади; гестацион трофобластик касаллигининг малигнизацияси хавфи юқори бўлган беморларни эрта аниқлашда ёрдам бериш, даволашни эрта бошлаш ва муваффақиятли даволанишни ошириш ва репродуктив функцияни сақлаб қолиш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ташхислаш ва даволаш жараёнини оптималлаштириш. Хориокарцинома ва инвазив елбўғоз билан беморларда профилактика қилинган тақдирда давлат молиявий харажатларининг умумий қиймати харажатларни минималлаштириш 82,3%, яъни 21 235 500 сўмни ташкил этди.

Хулоса: тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши хавфли трансформацияни эрта ва аниқроқ аниқлаш касалликнинг кейинги босқичларида қимматбаҳо тиббий муолажалар ёки жарроҳлик аралашувларга бўлган эҳтиёжни олдини олади ва давлат молиявий харажатларининг умумий қиймати харажатларни минималлаштириш 82,3%, яъни 21 235 500 сўмни ташкил этди.

Тўртинчи илмий янгилик: гестацион трофобластик касаллиги

ташхисланган беморларда дифференциациялашган ёндашув хасталикни хавфли шакллари ривожланиши юқори ва паст хавф гуруҳларига бўлиниш асосида олиб бориш, назорат қилиш ҳамда даволаш тактикаси такомиллаштиришга асос бўлганлиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: онкогинекологик амалиётида долзарб бўлган гестацион трофобластик касалликни хавфли шакллари эрта ташхислаш ва башоратлаш ҳақидаги назарий ва клиник тасаввурлар кенгайтирилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган маълумотлар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона вилояти филиалида 18.01.2023 йилдаги №20/1 сонли буйруғига ва Наманган вилояти филиалида 26.01.2023 йилдаги №33/1 сонли буйруғига асосан амалиётга жорий қилинган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: таклиф этилган гестацион трофобластик касалликни олиб бориш алгоритми шифокорларга ҳар бир бемор учун оптимал даволаш режасини тез ва аниқ белгилашда ёрдам беради; ушбу усул ёрдам сифатини яхшилаш ва беморларнинг махсус эҳтиёжларига мослаштирилган ва шахсийлаштирилган даво олишидан иборатдир.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: соғлиқни сақлаш ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш, меҳнатга лаёқатсизлик даврини қисқартириш. Гестацион трофобластик касаллигини хавфли шакллари эрта ташхислаш ва башорат қилиш алгоритмидан фойдаланиш даволаш харажатларини 1 бемор учун 1 470 000 сўмга камайтди.

Хулоса: тадқиқотнинг информативлигини ошириш ва натижалар интерпретациясида хатоларни камайтириш учун ишлаб чиқилган алгоритм ва башоратлаш шкаласига амал қилиш лозим. Умумий иқтисодий фойда: 20 142 000 сўм йилига ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гестацион трофобластик касаллиги тўғрисидаги замонавий тасаввур (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи бобида замонавий маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг эълон қилинган ишлари асосида ГТК муаммосининг замонавий ҳолати, эпидемиологияси, этиопатогенези ва диагностика усуллари таҳлил қилинади, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида фойдаланилган материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.


Ретроспектив таҳлил қилиш учун 362 нафар аёллар касаллик тарихларидан фойдаланилган, улардан 353 таси - ЕБ, 9 таси - ХК. 2012-2021 йиллардаги архив маълумотлари таҳлил қилинди. Андижон вилояти туманлари ва шаҳарлари ҳудудий бирликлар бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг проспектив босқичида 71 нафар аёллар иштирок этган бўлиб, улар 3 гуруҳга ажратилган: 1 гуруҳга – 27 нафар ЕБ бўлган аёллар, 2 гуруҳга – инвазив ЕБ билан 23 аёллар ва 3 гуруҳга – ХК билан 21 нафар аёллар. Ривожланмаётган хомиладорлик билан 25 нафар аёллар назорат гуруҳини ташкил этди. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент ва Андижон филиаллари негизида материаллар ва тадқиқотлар йиғилди. Назорат гуруҳи учун материаллар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон филиали гинекология бўлимидан олинди. Проспектив гуруҳдаги барча аёллар, жумладан, назорат гуруҳи учун ИГК тадқиқот CLIC1 маркерларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.


Илмий ишларни бажариш жараёнида қуйидаги тадқиқот усулларида фойдаланилди: умумий клиник (шикоятларни ўрганиш, анамнезни йиғиш, шу жумладан, акушер-гинекологик анамнезини баҳолаш, хамроҳ патологияларни ўрганиш), махсус (гинекологик кўрув), лаборатор (умуклиник, биокимёвий), морфологик (гистологик, ИГК) ва маълумотларни статистик ишлаб чиқиш.

Диссертациясининг **«Гестацион трофобластик касаллиги ривожланишининг клиник хусусиятлари ва хавф омилларини ўрганиш натижалари»** деб номланган учинчи бобида Андижон вилоятида ГТК кўрсаткичларининг таърифини ўз ичига олади. Натижаларга кўра, Андижон

вилоятида 2012-2021 йиллар даврида жами 362 нафар бемор, ҳар йили ўртача $35 \pm 9,8$ нафар бемор рўйхатдан ўтган. Бунда ХК билан 9 (2,4%), ЕБ билан 353 (97,6%) (расм 1).



Расм 1. Гестацион трофобластик касалликнинг Андижон вилоятида тарқалиши ва структураси (2012-2021 йй), %



Расм 2. ГТК билан хасталанган аёлларда ёшга оид структураси, %

Шунда шаҳар аҳолиси ўртасида жами 112 (31,0% ҳар йили ўртача 12), вилоят туманлари аҳолиси орасида 250 (69,0%, ҳар йили ўртача 28) беморлар рўйхатдан ўтган. Шаҳар аҳолиси орасида ЕБ билан беморлар 109 (30%), туманлар бўйича 244 (67%), ХК шаҳар аҳолисида 3та (1%) ва 6та (2%) қишлоқ аҳолисида аниқланди.


Андижон вилояти аҳолиси ўртасидаги касалликлар даражаси жаҳон миқёсида ўртача ҳолатга эга эканини таъкидлади.

Ёш бўйича структурасида кўрсатилишича, 20-29 ёшда ЕБ ҳолатларининг энг кўп сони 52% ҳолатларда, 30-39 ёшда ХК 39% ҳолатларида учраган. 20 ёшгача бўлган хотин-қизларда ҳам ЕБ ҳам, ХК ҳам энг кам тарқалмоқда. Шу

билан бирга, ХК ва ЕБ ўртасидаги энг юқори нисбатан ушбу ёшдаги гуруҳда 1:17, сўнг бу фарқ 30-39 ва 40-49 ёшдаги гуруҳда 1:2 ва 1:3 ни ташкил этган.

Бирок, беморларнинг ёшга оид таркиби тўғрисида юқорида такдим этилган маълумотлар касалликнинг жадаллигини акс эттирмайди, чунки касаллик ҳомиладорларнинг сонига ҳисобга олингани маълум. Биз ёшга оид касалликнинг тегишли ўртача йиллик кўрсаткичларини ҳисобладик (расм 3).

Шундай таҳлилда энг юқори хасталаниш 40-49 ёшдаги гуруҳда қайд этилган. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан олинган ушбу ёшдаги касалликлар сонининг кам бўлишини ГТК мувофиқлиги билан эмас, балки ушбу ёшдаги ҳомиладорларнинг сонини камлиги (10 000 га 2,0) билан тушунтириш мумкин.



Расм 3. ГТК билан беморларнинг 10 000 нафар ҳомиладор ҳисобига олинган ёшга оид тақсимланиши.

ЕБ ҳолатида ёш бўйича касалликнинг икки кўтарилиши қайд этилган: эрта ёшда, жинсий ва жисмоний тизими фаолияти ёш бўлганда ва катта ёшда, ХК ҳолатида 30-39 ёшдан бошлаб касалликнинг кўпайиши кузатилган.

ГТК ривожланиш имкониятини кўрсатадиган омилларни аниқлаш учун анамнез, клиник тадқиқотлар маълумотлари асосий ва назорат гуруҳларида ҳам таҳлил қилинди. Қуйидаги аҳамиятли клиник белгилар белгиланди: 30 ва юқори ёшдаги аёллар, қон гуруҳи, кечки менархе, жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши, олдинги аборт ва ҳомила ташлашлар, туғруқлар сони 4 ва ундан юқори бўлган, беморнинг ортиқча вазни (ТВИ 30 ва юқори).

Ўтказилган ретроспектив тадқиқот натижасида ГТК ривожланиш хавф омиллари аниқланди (жадвал 1):

Ижтимоий омиллар – шаҳар жойларида яшаш, уй бекалар.

Аёлнинг ёши – ЕБ ҳолатида ёш бўйича касалликнинг иккита кўтарилиши қайд этилади: эрта ёшда ва кечки ёш, ХК ҳолатида касалликнинг ёш билан жадал ўсиши кўзатилади.

Мавсумлилик – куз-қиш мавсумида хавфли шакллар билан касаллик ортиши.

Гинекологик — кечки менархе (16 ёшдан кейин), жинсий ҳаётнинг эрта бошланиши (20 ёшгача), жинсий аъзоларнинг яллиғланиш касалликлари.

Паритет – анамнезда табиий ва сунъий абортлар, ЕБ учун биринчи ҳомилалик ва ХК учун 4-5- ҳомиладорлик.

Ортиқча тана вазни ва семизлик.

Қон гуруҳи 0 (I)

Жадвал 1

ГТК ривожланишининг хавф омиллари

№	Белгилар	Асосий гуруҳ (362)		Р Фишер мезони	χ^2 мезони	Боғлиқлик даражаси
		абс	%			
1	Аёл ёши (≥ 30)	217	59,9	<0,001	12.531	Ўрта
2	Касб (уй бекаси)	238	65,7	<0,001	2.532	Суст
3	Шаҳарда яшаш	250	69,0	<0,001	4.160	Суст
4	Мавсум (куз-қиш)	235	64,9	<0,001	18,280	Ўрта
5	Кечки менархе (≥ 16)	154	42,5	<0,001	111.275	Кучли
6	Жинсий ҳаёт эрта бошлаш (17-20 ёш)	242	66,8	>0,05	11.104	Ўрта
7	Анамнезда табиий ва сунъий абортлар	198	54,6	<0,001	34.198	Нисбатан кучли
8	Туғруқлар сони (≥ 4)	165	45,5	<0,001	21.732	Нисбатан кучли
9	Ортиқча тана вазни (ТВИ ≥ 30)	188	51,9	<0,001	33.680	Нисбатан кучли
10	Қон гуруҳи 0 (I)	162	44,7	<0,001	19,175	Ўрта

Диссертациянинг «Ўз тадқиқотлар натижалари ва уларни муҳокама қилиш» деб номланган тўртинчи бобида ГТКнинг турли шаклдаги 71 нафар беморни проспектив тадқиқот натижалари ақс этирилган. Шикоятларни ўрганиш, анамнез йиғиш ва аёлларни гинекологик кўриқдан ўтказиш натижалари таъкидланди. Анамнезни йиғиш натижасида қуйидаги маълумотлар олинди: шаҳарда яшовчи 20 ёшдан 34 ёшгача бўлган хотин-қизлар, уй бекалар устунлик қилди. Илк ҳомиладорлар - 45%, анамнезида аборт ва ҳомила ташлашлар - 38% хотин-қизлар ташкил қилган.

Экстрагенитал патологиялардан ўрта ва оғир даражадаги камқонлик ва сийдик йўллари инфекцияси кўпроқ кузатилган.

Ультратовуш текшируви (УТТ) роли асосланган. Ўсма бачадон бўшлиғидан эвакуация қилинишига қадар ЕБ ташхислаш учун УТТ энг эрта усулдир. Шу муносабат билан ЕБни эрта аниқлаш учун ҳомиладорлик патологиясига эга барча хотин-қизларда УТТ ўтказилиши зарур. Аммо, УТТ

афзалликларига қарамасдан, мазкур тадқиқот усули ЕБ босқичида хавфли шаклларнинг ривожланишини фарқламайди.

Инсоннинг β -хорионик гонадотропинини (β -ИХГ) аниқлаш ГТК ташхислаш маркери ҳисобланади ва мажбурий компоненти бўлиши лозим.

Қон зардобиди β -ИХГни аниқлаш диагностик сезгичлиги қарийб 100% ни ташкил этади. Фақат ягона ҳолатларда, трофобластик ўсимликнинг некротик тарқалишида ушбу маркер даражасининг камайиши кузатилди. Қондаги гормонни кўпайганда эрта аниқлаш ва мониторинг қилиш касалликнинг инвазив шаклини салоҳиятли эрта ташхислаш ва даволашни ўз вақтида бошлаш имконини беради.

Патоморфологик тадқиқот ўтказилиши зарур бўлишига қарамасдан, барча ҳолатларда ҳам трофобластик ўсманинг мавжудлиги тасдиқланмаслигини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда, УТТ, β -ИХГ даражасини ўлчаш, шунингдек, замонавий иммуногистохимёвий тадқиқот усулини жорий этишни ўз ичига олган комплекс ёндашув зарур.

Тадқиқот учун 71 нафар бемор танлаб олинди, улар 3 гуруҳга ажратилди: 27 нафар елбўғоз, 23 нафар инвазив елбўғоз, 21 таси хориокарциномалар. Ривожланмаётган хомиладорлик билан 25 нафар аёллар назорат гуруҳи сифатида танланган.

Биринчи гуруҳдаги ЕБ ташхиси бўлган беморларда гистологик материалда моноклонал антиген реакцияларини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди: 27 бемордан 1тада (4%) экспрессия йўқлиги, 18тада (66%) – 1 баллга тенг бўлиш, 2тада (7,4%) – меъёрлик бўёқлаш 2 баллга тенг, 4 беморда (15%) 3 баллга тенг хужайралар кучли бўялиши, 2тада (7,4%) — 4 баллга тенг кучли бўялиши (7,4%).


ЕБ тадқиқот қилиш натижасида 27 нафар бемордан 6 тасида (22,2%) хавфли трансформация хавфи юқори, деган хулосага келиб чиқдик.

2-гуруҳда инвазив ЕБ гистологик диагнози бўлган 23 нафар беморлардан 1 нафарида реактивлик йўқлиги (4,3%), 3 тада (13%) кам бўёқлаш, 8тада (34,7%) ўрта бўёқлаш ва 11 ҳолда (47,8%) хужайраларни кучли бўялиши кузатилди. ХК ташхиси бўлган беморларни ўз ичига олган 3- гуруҳни тадқиқотида оқсилнинг экспрессияси тенг бўлмаган ҳолда тақсимланган. 1та ҳолатда (4,7%) CLIC1 маркерига суст бўялиш (рангланиш интенсивлиги — 1 балл), 2та ҳолатда (9,5%) ўртача ижобий рангланиш (рангланиш интенсивлиги — 2 балл), 18 тасида (85,7%) цитотрофобласт хужайраларининг кучли рангланиши (бўёқлаш жадаллиги – 4 балл). Ҳеч қандай ҳолда негатив натижа кузатилмаган (расм 4).

Инвазив ЕБ тадқиқоти натижаларига кўра, 48,0% ҳолатларда (5 ва 6-расмни кўриш) цитотрофобластнинг дифференциацияланувчи клеткалари ядросида оқсилнинг юқори экспрессияси (бўёқлаш жадаллиги – 4 балл) қайд этилган.

ХК билан 21 нафар беморларнинг гистологик материални ИГК тадқиқотдан ўтказишда CLIC1 антигени билан 86,0% ижобий реакцияларни кўрсатди (расм 4). Гистологик препаратда (5-8-расм) синцитиотрофобласт ва

цитотрофобластнинг қатъий, ташкил этилмаган таблари ва атипик, чирокли хужайралари мавжудлигини таъкидлаш муҳим. Препаратдаги жигарранг рангга бўялган баъзи ижобий хужайралар хужайра циклининг митоз босқичида. Юқори митотик фаолият хориокарцинома учун ўтказилаётган танловда кўриб чиқилаётган тараққиётнинг истиқболли босқичида хос.



	1 г. (ЕБ)	2 г. (ИЕБ)	3 гр. (ХК)	назорат г.
■ 4	8%	47,80%	85,70%	0
■ 3	15%	34,70%	9,50%	0
■ 2	8%	13%	4,70%	16%
■ 1	66%	4,30%	0	72%
■ 0	3,70%	0	0	12%

Расм 4. Гурухларда CLIC1 экспрессиясини қиёслаш


25 нафар назорат гурухи беморларида антигенини CLIC1 тадқиқотдан ўтказиш беморларнинг қуйидаги натижаларни аниқлади: 18 нафар беморда (72,0%) оксилнинг суст экспрессияси ва ҳеч қайси намунада ўрта ва кучли бўёқланиш кузатилмади.




Расм 5. Елбўғоз.
ИГК кўриниш: CLIC1 оксили –
негатив реакция, х100



Расм 6. Елбўғоз.
ИГК кўриниш: CLIC1 оксили–
юқори позитив реакция, х100



Расм 7. Инвазив ЕБ.
ИГК кўриниш: CLIC1 оксигени-
юқори позитив реакция, x100



Расм 8. ХК.
ИГК кўриниш: CLIC1 оксигени-
юқори позитив реакция, x100

Жадвал 2

ГТК турли шаклларида CLIC1 маркери экспрессияси

Гуруҳ	N	CLIC1
Елбўғоз	27	3,88±0,55*
Инвазив елбўғоз	23	4.28 ±0.44
Хориокарцинома	21	6,60 ±0,52*
Назорат гуруҳи	25	0,5±0,01

